

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ**  
**юридик фанлар доктори, профессор**

**Тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширишга  
оид мақолаларни тайёрлаш бўйича талаблар**

**Тошкент– 2023**



## МАҚОЛАНИҢ ТУРЛАРИ:



**Илғор (публицистик) мақола**



**Ахборот берувчи мақола**



**Илмий мақола**



**Тезислар**





## ИЛҒОР (ПУБЛИЦИСТИК) МАҚОЛА:

Ушбу тоифадаги мақолаларда муаллифнинг ўрганилган ва долзарб бўлган мавзу бўйича нуқтаи назарлари ўз ифодасини топади. Мазкур мақолалар жамият ҳаётидаги муаммолар бўйича тўғри йўналишларни аниқлашга, долзарб бўлган масалаларга ўқувчининг ўз муносабатини шакллантиришга хизмат қилади.





## ИЛҒОР (ПУБЛИЦИСТИК) МАҚОЛАЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:



мавзунинг долзарблиги;



мақола орқали ҳал этилиши керак бўлган вазифаларни ҳар томонлам  
а очиб берилиши ва асослантирилганлиги;



фактлар ва илгари сурилаётган хулосаларнинг қисқа, аниқ ва лўнда  
ифодаланиши.






## ИЛҒОР (ПУБЛИЦИСТИК) МАҚОЛАНИНГ ТУРЛАРИ:



умумсиёсий– давлат ва жамият ҳаётидаги машҳур саналар ва воқеалар муносабати билан чоп этилади;



тарғиботга оид – у ёки бу ғояларни илгари суриш, уларни амалга оширилиш истиқболларини очиб беради;



тезкор – бугунги куннинг бирмунча долзарб бўлган сиёсий ёки ижтимоий вазифаларини ўзида акс эттиради.





## АХБОРОТ БЕРУВЧИ МАҚОЛАЛАР:



Ахборот берувчи - муайян воқеани баён этувчи мақолаларда маълумотлар шундай тарзда баён этиладики, унга кўра ўқувчи юз берган воқеа ёки ҳолатлар бўйича тўлиқ, шунингдек ушбу воқеа ёки ҳолатларнинг таркибий қисмлари, айрим белгилари ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўлиши керак.



## ИЛМИЙ МАҚОЛА:



**Илмий мақола** – тадқиқотчи томонидан диссертация тадқиқотини бажариш орқали ҳал этиладиган муаммолар (вазифалар) доирасига кирадиган аниқ масалаларнинг ечимига бағишланган яхлит ва мантиқий тугалланган асар ҳисобланади.


Илмий мақолалар орқали диссертант тадқиқ этилаётган мавзунинг асосий мазмун-моҳиятини очиб бериши ва унинг томонидан илгари сурилаётган муҳим аҳамият касб этадиган натижалар исботланиши талаб этилади.



## ТЕЗИСЛАР:



**Тезислар** – бу қисқа ифодаланган кўринишдаги илмий ишнинг асосий ғояси ҳисобланади. Тезисларда илмий маърузаларнинг, маълумотларнинг, қисқача илмий текстларнинг асосий ҳолатлари баён этилиб, унда тадқиқот ишининг асосий натижалари, шунингдек ушбу натижаларни қўлга киритишнинг услублари (йўллари ва воситалари) ўз ифодасини топиши мумкин.





## ТЕЗИСЛАРДА ҚУЙИДАГИ 3 ТА САВОЛГА ЖАВОБ БЎЛИШИ КЕРАК:



*Нима ўрганилди?* (тадқиқотнинг муаммоли масалаларини қўйиш, унинг долзарблигини қисқача асослаш, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамиятини очиб бериши керак).



*Қандай ўрганилди?* (тадқиқотнинг қисқача услуби баён этилади: масалан, воқеа ва ҳодисаларни чуқур таҳлил этиш, улардан хулосалар чиқариш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари билан сўровномалар ўтказиш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий таҳлил, миллий нормаларни шарҳлаш, статистик маълумотлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид материалларни умумлаштириш ва ҳ.к.).



*Қандай натижалар қўлга киритилган?* (асосий хулосалар).

## МАҚОЛАНИ ҚАЧОН ЁЗИШ КЕРАК?



Қачонки, муаллиф томонидан илмий жамоатчилик учун қизиқарли бўлган натижалар аниқлангудек бўлса, деб жавоб бериш мумкин.





## МАҚОЛАНИ ЁЗИШ УЧУН АСОС БЎЛУВЧИ НАТИЖАЛАР ҚУЙИДАГИ ЙЎЛЛАР ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ:



илмий тадқиқотлар;



хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;



миллий қонунчилик нормаларини шарҳлаш;




статистик маълумотлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид материалларни умумлаштириш.



## МУАЛЛИФНИНГ МАҚОЛАНИ ЧОП ЭТИШДАН КЎЗЛАГАН АСОСИЙ МАҚСАДИ:

1. Ўзи томонидан амалга оширилган тадқиқот босқичини яқунлаш.

2. Кўриб чиқилаётган масала бўйича ўзининг малакасини ва чуқур билимга эга эканлигини намоёниш этиш ва шу орқали илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилишига эришиш.



# МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

**1. Биринчи қадам:** Мақолани ёзишдан кўзланган мақсадни аниқлаб олиш, бошқача айтганда, долзарб мавзуни топиш лозим.

Мавзу мамлакатимиз давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларини қамраб олган бўлиши лозим. Агар муаллиф мақола ёзишдан кўзланган мақсадни аниқлаб оладиган бўлса, бу ўз навбатида ўқувчининг мазкур мақолани ўқиш учун вақтини беҳудага кетказмаслигига, мақолани охиригача ўқишига, ундан қаноат ҳосил қилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам мақола шундай ёзилиши керакки, ўқувчига бу манзур бўлсин ва у Сизнинг бошқа мақолаларингизни интиқлик билан кутсин.



## МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

**2. Иккинчи қадам: Далилларни (фактларни) тўплаш ва уларни таҳлил қилиш.**



## МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

Мақолани тайёрлаш жараёнида қуйидаги далилларни тўплаш талаб этилади:

Давлат раҳбарининг ғоялари;

қонунчилик таҳлили;

ҳалқаро ҳужжатлар;

статистик маълумотлар;

тадқиқ этилаётган мавзу бўйича ривожланган давлатлар қонунчилик тажрибаси;

ҳуқуқшунос олим ва мутахассисларнинг фикрлари;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари.

# МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

## 3. Учинчи қадам: Мақоланинг режасини тузиш.

Мақоланинг режаси – бу тўпланган материалларни мантиқан баён этиш ҳисобланади. Мақоланинг режаси одатда 5-7 та бўлимдан иборат бўлади. Қоидага кўра, мақола бўйича далилларни тўплаш босқичидаёқ муаллиф ушбу бўлимларни жойлаштиришнинг тахминий тартибини белгилаб олиши керак.

Режанинг бошланишида муаллиф мақола орқали тадқиқ этиладиган предмет бўйича мавжуд қарашларни баён этиши, сўнгра бу бўйича ўзининг мулоҳазаларини билдириши, уларни асослаши ва ўз хулосаларини илгари суриши лозим.



## МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

### 4. Тўртинчи қадам: Қўлёзмани тайёрлаш.

Мақоланинг хомакисини тайёрлаш жараёнида муаллиф мақола қуйидаги талабларга жавоб беришига амин бўлиши керак:

- “Мақоламнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат бўлади?”
- “У нима ҳақда?”
- “Мен ўз мақолам орқали аудиторияга нима янгилик бераман, улар учун менинг мақолам муҳим ва қизиқарли бўла оладими?”.

## МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

Қўлёзмани тайёрлаш жараёнида тўпланган фактларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш лозим:

**биринчи** гуруҳга  
албатта мақолага  
киритилиши керак  
бўлган фактлар;




**иккинчи** гуруҳга эса  
бошқа барча  
фактларни киритиш  
мумкин.

# МАҚОЛА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ:

## 5. Бешинчи қадам: Матнни қайта ишлаш ва сайқал бериш.

Мақолани қайта ишлаш учун мақола устида олиб борилаётган ишларни бир муддатга тўхтатиш ва мазкур мақолани яна бир бор ўқиб чиқиш ва фактларни таҳлил қилиш керак.



## МАҚОЛАНИНГ НОМИ

Мақоланинг номи муваффақиятли чиқиши учун унинг номини ўйлаб кўришга албатта вақт ажратиш керак. Мақоланинг номида унинг мазмуни ўз аксини топиши ва шу билан бирга бошқаларни ўзига жалб этувчи, кўзга ташланиб турадиган сарлавҳа бўлиши лозим.

Бу айниқса, маълумотларнинг шиддатли оқими кучайиб бораётган ҳозирги даврда жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки номнинг ноаниқ берилиши муҳим ва долзарб бўлган мақоланинг кўзга ташланмайдиган ва бировнинг назарига тушмайдиган ҳолга олиб келиши мумкин.

## МАҚОЛАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

1. Аннотация (асар ҳақида қисқача маълумот).
  2. Кириш қисми.
  3. Асосий қисм (тадқиқот услублари, эришилган натижа, тушунтиришлар).
  4. Хулосалар (тавсиялар).
- Адабиётлар рўйхати (адабиёт).

## АННОТАЦИЯ

Аннотация мақола номини кенгайтирилган кўринишга олиб келади ва ишнинг қисқача мазмунини баён этади.

Аннотация орқали муаллиф ўзи томонидан бажарилган ишнинг юқори баҳога лойиқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида яхши ёзилмаган аннотация яхши ёзилган мақола ҳақидаги таассуротларни бузиб қўйиши ҳеч гап эмас.

## КИРИШ ҚИСМИ

Сўнгги вақтларда муаллифлар мақоланинг мазкур қисмига етарлича эътибор қаратмаётирлар ва бирданига эришилган натижани баён этишга ўтиб кетиш ҳолати кузатилмоқда. Бироқ бу хилдаги мақолалар ўқувчи учун ноқулайликларни юзага келтиради. Чунки ўқувчи мақолани ўқиш жараёнида унда илгари сурилаётган масаланинг долзарблиги, унитадқиқ этиб ўрганишнинг зарурати ҳақидаги маълумотларни билгиси келади.

Мақоланинг кириш қисмида муаллифлар томонидан мақолани ёзиш жараёнида топилган манбалар ҳақидаги қисқача умумлаштирилган маълумотлар (мақолалар, ҳисоботлар, Интернетдан олинган маълумотлар ва ҳ.к.лар)нинг берилиши ҳам яхши самара беради.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқот натижаларига бағишланган мақолаларда муаллиф албатта эришилган натижанинг аниқлиги ва асослангандигига эътиборни кучайтириши талаб этилади. Агар бу талаб бажарилмайдиган бўлса, у ҳолда эришилган натижа шубҳа остига олинади, ўқувчи мазкур мақолани ўқиб, ўз вақтини беҳудага сарфлагандигини тушуниб етади.

Муаллиф мақолада илгари сурилган натижаларни аниқ ва тушунарли баён этиши лозим. Иложи бўлса уларни жадвал, график ва диаграмма шаклида намойиш эта олса, мақсадга эришиш осонлашади.



## ХУЛОСАЛАР

Хулосалар тезислар каби иложи борича қисқа ва аниқ бўлиши лозим. Илгари сурилаётган ҳар бир хулосанинг бошланишида “*Менинг фикримча, ...*” ёки “*Менинг назаримча, ...*” деган сўзларни ишлатиши тавсия этилади.

**Эътиборингиз учун  
ташаккур!**